

**ТАШҚИ ҚАРЗНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ – МАМЛАКАТ
ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ**

Хамидуллаев Шерзод Алишер ўғли

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари ўрганилган. Шунингдек, жалб қилиш муддатлари бўйича ташқи қарзни таҳлили амалга оширилди. Ушбу мақоланинг асосий натижаси мамлакатда давлат қарзини бошқариш тизimini такомиллаштиришнинг илмий асосларини ёритишдан иборат.

Калит сўзлар. давлат қарзи, ички қарз, ташқи қарз, хавфсизлик.

Кириш

Давлат қарзининг келиб чиқиш сабаблари, унинг миқдоран ошиб ёки камайиб бориши ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсати, ислохотлар қамрови ва динамикаси билан узвий боғлиқ.

Кейинги ўн йилликда дунё мамлакатларида ташқи қарзга бўлган талаб нисбатан ошганлиги ҳамда давлатлар ўртасида бу борада тафовутлар кучайганлигининг бир қанча сабаблари бор. Улардан энг муҳимлари сифатида жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиши, айрим мамлакатларда ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви, иқтисодий хавфсизлик масалалари, иқтисодий қудрат билан ижтимоий талаблар ўртасидаги номуносибликлар, молиявий манбалардан ноўрин фойдаланиш натижасида бюджет тақчиллигининг ошиб кетиши, фавқулодда вазиятлар, хусусан, коронавирус пандемияси каби омилларни келтириш мумкин.


Ёндашувлар

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқимизнинг нафақат келажакда, балки бугун ҳам яхши яшаши учун шароит яратиш тамойили асосида барча жабҳаларда кенг қамровли ишлар олиб

борилмоқда. Албатта, аҳолининг ҳаёт даражаси, турмуш сифатини ошириш, саломатлигини сақлаш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ижтимоий инфратузилмаларни такомиллаштириш, саноат корхоналарини ишга тушириш учун катта миқдордаги сармоя талаб этилади.

Таҳлиллар ва натижалар

Давлат қарзини макроиқтисодий барқарор даражада сақлаш ва уни самарали бошқариш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ҳамда миллий валюта алмашув курсининг барқарорлиги шароитларида республика иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ўсишининг таъминланиши натижасида 2021 йилдан бошлаб давлат қарзининг ЯИМга нисбати барқарорлашиши кузатилмоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси¹

Хусусан, давлат қарзининг ЯИМга нисбати 2022 йил бошида 38,0 фоиздан 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига 36,4 фоизгача пасайди.

¹ Давлат қарзи бўйича статистик маълумотлар халқаро молия ташкилотлари ва тижорат банклари тақдим этадиган маълумотлар асосида аниқлаштириб борилади.

Давлат қарзи 2022 йил давомида 2,9 млрд. долл.га ошган бўлсада, АҚШ доллари ҳисобида ялпи ички маҳсулот тез суръатларда, яъни 11,1 млрд. долл.га ўсганлиги туфайли давлат қарзининг ЯИМга нисбати пасайган.

Сўнги йилларда давлат қарзини мўътадил даражада сақлаш ва самарали бошқариш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ҳозирда ўз самарасини бермоқда.

Хусусан: 2020 йилдан бошлаб янги жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи миқдорларини қонуний чегаралаш амалиёти йўлга қўйилди. Шундан:

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси қафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 5,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг қафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари миқдорида;

2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 17,0 трлн сўм миқдорида белгиланди.

2021 йилдан ички мажбуриятлар бўйича давлат қафолатларини бериш амалиёти тўхтатилди ҳамда давлат корхоналари ва банклари ўз лойиҳаларини молиялаштириш учун, трансформация жараёнларига мувофиқ, жаҳон молия бозорларида давлат қафолатсиз маблағ жалб қилишга ўтказилмоқда.

Давлат ташқи қарзи қолдиғи 2022 йилда 2,4 млрд. АҚШ долларга ошиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига 25,9 млрд. АҚШ долларни ёки ЯИМга нисбатан 32,25 фоизни ташкил этди. Шундан:

- Ўзбекистон Республикаси номидан жалб қилинган ташқи қарз – 19,8 млрд. АҚШ долларни ёки давлат ташқи қарзининг 76,5 фоизини;
- Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган ташқи қарз – 6,1 млрд. АҚШ долларни ёки давлат ташқи қарзининг 23,5 фоизини ташкил этди.

2-жадвал.

Давлат ташқи қарзининг иқтисодиёт тармоқлари кесимида тақсимланиши (01.01.2023 й. ҳолатига)²

ўлчов бир. - млрд. АҚШ долл. экв.

Соҳа	Сумма
Бюджетни қўллаб-қувватлаш	8,6
Электроэнергетика саноати	3,0
Энергетика саноати	2,84
Қишлоқ ва сув хўжалиги	2,54
Транспорт ва транспорт инфратузилмаси	2,51
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш	2,3
Тадбиркорлик фаолияти ва саноат ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш	1,1
Кимё саноати	1,0
Таълим ва соғлиқни сақлаш	0,9
Ахборот ва коммуникация технологиялари	0,2
Бошқалар	0,91

2022 йил якуни бўйича жами давлат ташқи қарзининг 33,4 фоизи ёки 8,6 млрд. АҚШ доллари давлат бюджетини қўллаб-қувватлашга, 11,6 фоизи ёки 3,0 млрд. АҚШ доллари электроэнергетика саноатига, 10,9 фоизи ёки 2,84 млрд. АҚШ доллари энергетика саноатига, 9,8 фоизи ёки 2,54 млрд. АҚШ доллари қишлоқ ва сув хўжалигига, 9,7 фоизи ёки 2,51 млрд. АҚШ доллари транспорт ва транспорт инфратузилмасига, 8,9 фоизи ёки 2,3 млрд.

² Davlat statistika qo'mitasi rasmiy sayti ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

АҚШ доллари уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларига йўналтирилган маблағлар ҳиссасига тўғри келади.

Хулоса

Умуман олганда, ташқи қарзларни нуфузли халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимизга бўлган ишончи, деб баҳолашимиз жоиз. Таъкидлаш ўринлики, қарз ҳар қандай давлатга ҳам берилавермайди. Аввало, қарз олувчининг ишончлилиги, иқтисодий имкониятлари ва истиқболлари обдон ўрганилади. Мавжуд таҳлиллар, мамлакатимизнинг ички ресурс ҳамда имкониятларини, қолаверса, янги ислохотлар самарасидан келиб чиқиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, давлат ташқи қарзи борасида тушкунликка ёки хавотирга тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Жараён аниқ таҳлил ва ҳисоб-китобларга таянган ҳолда олиб бориляпти. Шунинг учун ҳам иқтисодий хавфсизлигимиз нуқтаи назаридан Президентимиз томонидан Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлар ва уларга йўналтирилган чора-тадбирлар қарз маблағларини, энг аввало, иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ижтимоий, инфраструктура ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи қарзни самарали бошқариш, ички қарз ва капитал бозорларини уйғунликда ривожлантириш орқали аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифати юқори, энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига эришамиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бурханов А.У. (2018) Мамлакат молиявий хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг айрим долзарб масалалари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4– 5, август– октябрь.
2. Жумаев Н., Рахмонов Д. (2020) Жаҳон иқтисодиётининг янги инқирози – иқтисодий ҳаракатсизлик. Электрон манба: <https://review.uz/oz/exg>.

3. Жумаев Н., Рахмонов Д. (2020) Коронавирус жаҳон иқтисодиётига таъсир қилади(ми)?. Электрон манба: <https://review.uz/oz/xzl> Молия вазирлиги (2019) Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, 2019 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи 2019 йилнинг III чораги. 14-бет.
5. Марказий банк (2020) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил март. 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи. 40-бет.
6. ОТБ маълумотлари (2020) Осиё тараққиёт банки маълумотлари. Онлайн манба: <https://www.adb.org/countries/uzbekistan/main> Мурожаат санаси 06.04-2020.
7. Тухтабаев Ж.Ш. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида саноат корхоналарда меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография. – Тошкент, “Фан ва технология” нашриёти, 2020. - 170 б.
8. Tukhtabaev J.Sh. “The theoretical approach on increase of professional skill of workers and stimulation of their creativity”. “International Scientific Journal Theoretical & Applied Science”, 03 (35). - p. 45-48.
9. <https://finlit.uz/>
10. <https://parliament.gov.uz/>
11. <https://stat.uz/>